

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/ 53 -сонли ШАРТНОМА

2022 й. “19” 01

Фарғона шаҳри

Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи “Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори в.в.б. А.А.Абдуганиев бир томондан ва “Истеъмолчи” СУХ ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари У.Болтабоев томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм микдорда хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табиий йўқотиш” қўллади (табиий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

## **2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

### **2.1. Шартноманинг тахминийт умумий**

суммаси \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи” нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишлихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи” нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

## **3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи” нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи” нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи” га унинг сўровига асосан “Таъминотчи” нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчи” нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи” нинг талабига биноан “Таъминотчи” нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъғаланади.

## **4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида” ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида” ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи” нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Таъминотчи” нинг омборида ёки унга қарашли филиаллардасмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эғалик ҳуқуқи тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи” га ўтади.

## 5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи”ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлик амал қилинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи”етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусxada тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга кирази ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.


## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ

Манзили: Фарғона шаҳар  
Тегирмон кўчаси 141-уй.  
СКБ Яшнобод филиали  
х/р: 22604000800215485702  
23210000300215485333  
МФО: 00432  
ИНН: 201104250


Раҳбар:  А. Абдуганиев  
М.ў



СУХ ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ

*Сух тумани*  
*М. Марказий Банк Тошкент*

х/р: 1000228603022670424021  
ИНН: 305080831  
МФО: 00014

Раҳбар:  У. Болтабоев  
М.ў



## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

 Н. Ахунташев

2022 йил “” 19.01. № 02/53 -сонли шартномага 2 илова

“БУЮРТМАЧИ”  
СУХ ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Микдори, тонна	Умумий суммаси
	Автобензин АИ-80	тн	10 420 784,30	0,300	3126234.
	Автобензин АИ-91	тн	12 470 610,00		
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841,47	0,765	8868645
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 251 570,0		
	<b>Жами:</b>				<b>11994879.</b>

Изох: Дизель ёқилгисининг нархи Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё 05-01-20222 08-01-202 йил кунлардаги (ўтган ҳафтадаги) шакланган ўртача биржа котировка нархларида ёзилади. Ушбу нарх 19.01.2022 йил кунига ама қилади.

Автобензин маҳсулотига биржа электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси қўлланилди.

Умумий жами: Ун бир миллион тўқуз юз тўқсон тўрт йиллик сикиз  
ёш миллион тўқуз сикиз

Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”



А.А.Абдуганиев

Юридик бўлим бошлиғи:

“БУЮРТМАЧИ”



Н.Ахунташев

Н.Ахунташев